

Туркиядаги вайроналар орасидан чиққан онахон



10:30 / 29.01.2020 4038

Маълумки, жорий йилнинг 24-январь куни Туркияда кучли зилзила содир бўлган эди. Ушбу зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар сони биз мўмин муслмонларни қайғуга солса, шундай оғир вазиятда баъзи муслима онахонларимиз томонидан Аллоҳ таолонинг буйруқларини матонат билан бажаришлари кўз ёшларимизга сабаб бўлди.

Азоб-уқубатлар бизнинг иймонимиз ва ахлоқимиз синовидир. Бугунги кунимизда бундай имтиҳонлар ҳақида тез унутиб қўямиз ёки камтарлик қилиш ўрнига, Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўламиз.

Азиз ўқувчи, сиз билан зилзила оқибатида содир бўлган ибратли бир воқеани баҳам кўрмоқчимиз. Воқеа қисқа бўлсада Аллоҳга бўлган чинакам ишонч, гўзаллик ва самимийликни ҳис қилишингиз мумкин.

Бу — туркиялик муслима онахон барча муслмонларга ўрнақдир. Энг оғир шароитда ҳам Аллоҳ таолонинг амрини унутмаган ва жуда кўп бахтсизликларни бошдан кечирган мўмина аёлдир. У Роббисининг розилиги учун курашди.

Бу чиройли ахлоқдир. Бу Яратганга чексиз ишончдир. Бу пайғамбар
Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга фидокорона севги ...

Бу иймоннинг ажойиб намунасидир.

***Islom.uz* портали таҳририяти**